ИНКОРНИНГ АХБОРОТ КЎЛАМИ МУНОСАБАТИГА КЎРА ТУРЛАРИ

В.А.Воситов

Мақолада инкорнинг тўлиқ ва чекловчи турларининг хусусиятлари таҳлил қилинган. Тўлиқ ва чекловчи инкорнинг ўзбек, рус ва инглиз тилларидаги ифода воситалари қиёсланган.

Калит сўзлар: *инкор, тўлиқ инкор, қисман инкор, инкор восита.*

В статье речь идет об особенностях полного и ограничивающего отрицания. Автор сравнивает средства выражения полного и ограничивающего отрицания на материале узбекского, русского и английского языков.

Ключевые слова: *отрицание, полное отрицание, ограничивающее отрицание, отрицательное средство.*

The article deals with the features of the full and the limited negation. The author tries to compare theways of expressing the full and the limited negation in Uzbek, Russian and English.

Key words: *negation, full negation, limited negation, means of negation.*

Инкорнинг ахборот кўлами муносабатига кўра тўлиқ ва чекловчи турлари фарқланади. Тўлиқ инкор муайян ахборотнинг тўлиқ кўламини ўз ичига олади. Чекловчи инкор эса, аксинча, ахборот таркибида аниқ тушунчани чеклаш хусусиятига мойиллиги билан ажралиб туради. Одатда, чеклов гапнинг субъект-предикат муносабатида кузатилади. Чекловчи инкор ҳамиша дедуктив тарзда тасдиқ категорияси билан боғлиқ эканлигига кўра ажралиб туради. Бундан ташқари, чекловли инкорда етакчи ролни предикат ўйнайди. Чекланувчи бўлаклар махсус кўрсаткичлар билан предикатга тобеланади. Тўлиқ инкорда эса юқоридаги аломатлар кузатилмайди. Шунга кўра улар ўзаро фарқ қилади.

Инкор предикатлар билан келувчи чекловчи ифода воситалари айни чоғда чекловли инкорнинг ўзини бевосита фарқлаш, уни тўлиқ инкордан ажратиб туришга хизмат қилади.

Тўлиқ инкор сифат ва миқдор хусусиятини касб этиши табиий. Шунга кўра, тўлиқ инкор соф ва қўшимча маъно аломатларига эга. Типологик жиҳатдан қиёсланаётган ўзбек, рус ва инглиз тилларида тўлиқ инкорнинг ҳар икки кўриниши нутқда махсус ифода воситалари орқали намоён бўлади. Ўзбек тилида соф тўлиқ инкор ифодаси учун *-ма, эмас, йўқ, на ... на*; рус тилида *не* юкламаси, *не-* префиксал олмоши ва равишлар, *нет* предикативи; инглиз тилида эса тўлиқ соф инкор *not, no, neither … nor* ёрдамида ифодаланади:

Лестер одамнинг аёлларга нисбатан бир шаклланган фикри қайта ўзгармайдиган ёшга етганди (Т.Драйзер. “Женни Герхардт”); *Шунчаки бирга яшашимиз мумкин эмасми?* (Э.Хемингуей. “Қуёш барибир чиқаверади”): *Это не потому что он храбр* (Маргарет Митчел. “Унисенные ветром”). *Neither a positive nor a negative force seemed to flow from him* (P.Abrahams. “The path of thunder”).

Чекловчи инкор ахборот тизими занжирига уйғун, изчил ҳолда кирган субъект-предикат муносабатига эга гап доирасида кузатилади. Нутқ вазиятидаги гапнинг муайян бўлаклари ахборотни ойдинлаштирувчи маълум чекловларга юз тутиши мумкин. Нутқда чеклов ифода воситалари билан боғланган бўлаклар мазмунан маълум нуқтаи назардан ойдинлашади, зарурий чекланишга юз тутади. Масалан: *Фақат меҳмонлар тоққа чиқмадилар → Только гости не поднялись в горы → Only the guests didn’t climb the mountain*.

Юқоридаги мисолларда фаол субъект чекловга юз тутган. Ўзбек тилида ажратиб кўрсатиш, чеклов, чегаралаш, ойдинлаштириш учун *–гина (-кина, -қина), фақат* ёрдамчилари, рус тилида “*только, лишь, хоть, все, исключительно*”, инглиз тилида “*except, besides, but*” воситалари иштирок этади:

*Инглиз тилида: Brian wished they could eat breakfast there, but saw nothing on the table **except** a mug of tea to be drunk by his father.* (Sillitoe): *His manner, while warmly generous at times, was also easily distant **except** when he wished it to be otherwise*. (Dreiser): *He did not however neglect to leave certain matters to future considerations, which had necessitated further visits, so that the little back room had become quite accustomed to his spare not unsolid but unobtrusive figure*... (Galsworthy): *It was too wonderful to be anything but a delirium*. (London).

Чекловли инкор гапларда гап объекти вазифасини бажарувчи воситали ҳамда воситасиз тўлдирувчилар чеклов ҳодисасига юз тутиши мумкин. Бундай вазиятларда чекловчи инкор воситалари бевосита объект олдида жойлашади. Айримлари эса объектнинг ўзи билан келади. Жумладан, ўзбек

тилида *фақат* чекловчи юкламаси объект олдида жойлашса, *-гина (-кина, -қина)* юкламалари объект таркибида бирга намоён бўлади. Шунингдек, холос чекловчи юкламаси гап охиридаги позицияда жойлашади.

Масалан: *Йигитлар фақат пилла термайдилар. Ёрдамчилар деворнигина оқлайдилар. Ўқувчилар қуёнларни эмлайдилар, холос.*

Имплицит инкор ўзбек тилида "*бошқа, ташқари, бўлак, ўзга*" каби кўмакчиларнинг отлар билан боғланиши асосида шаклланади.

Масалан: *Маҳалла оқсоқолидан ташқари, ҳамма бунга рози бўлди*. Ушбу гапимизда "*Маҳалла оқсоқолидан ташқари*" қисми – инкорни, "*ҳамма бунга рози бўлди*" қисми эса – тасдиқни ифода этади.

Инглиз тилида объектнинг чекланиши "*except, besides*" ёрдамчилари воситасида амалга оширилади.

Рус тилида эса "*лишь, только*" юкламалари фаолият кўринишидаги инкор чекловини белгилайди: Он только не поддержал его инициативу.

Фаолият кўринишларида инкор чеклови инглиз тилида "*not*" инкор юкламаси ҳамда "*only*"орқали ифода этилади.

Масалан: *Only her son had not come home* (P.Abrahams. "The path of thunder").

Предикатив чеклов доирасида миқдор даража чеклови алоҳида ажралиб туради. Ўзбек тилида миқдор чеклови феъл билан боғланувчи "*бошқа, бўлак, ортиқ, энди*" сўзларида ўз ифодасини топади:

Жияним энди заводда ишламайди. Укам бошқа институтга ҳужжат топширмайди. У бошқа ўқимайди.

Инглиз тилида эса ушбу ҳолат "*any longer, any more, no longer*" каби бирликлар орқали ифодаланади.

Масалан: *She doesn't work here any more → She no longer works here: She could think of him now with indifference. She loved him no longer → She no longer loved him: He had been weak but he will be so no longer → He had been weak but he will not be so any more.*

Аксарият гапларда миқдорий-давомлилик чекловини ифодалашда иштирок этувчи воситалар нутқда инкор шаклдаги феълдан олдин келади. Ўзидан олдин турган чекловчилар билан боғланган инкор шаклли феъллар предикатив чекловни таъминлайди.

Содда ёйиқ гаплар таркибидаги чекловлар ҳолга ҳам тегишли бўлиши мумкин. Одатда, ҳол предикат таркибидаги фаолият инкорини макон, замон ва бошқа нуқтаи назарлардан чеклашга хизмат қилади.

Масалан: *У Самарқандда фақат Шоҳизинда меъморий обидасини кўра олмади. Бу фермер доимо илғор, фақат ўтган йили ғалла тайёрлаш режасини уддалай олмади. Он не был лишь в Ташкенте. Он не ходил на работу только вчера.*

Ҳоллардаги чекловчи ифода воситалари сифатида ўзбек тилида "*фақат, холос, -гина (-кина, -қина*"), рус тилида "*лишь, только*", инглиз тилида "*only*" иштирок этади. Ушбу ифода воситалари доимо чекланаётган бўлак олдида келади. Мазмун жиҳатдан ҳолли чекловга тарз ҳоли, даража-миқдор ҳоли, сабаб ҳоли, мақсад ҳоли, ўрин ҳоли, пайт ҳоли, шарт ҳоли, тўсиқсизлик ҳоли мойиллашиши мумкин.

Хулоса қилиб айтганда, инкорнинг тўлиқ ва чекловчи турлари ахборотнинг тўлиқ ёки қисман кўламини ўз ичига олиши билан фарқланади. Инкор предикатлар билан келувчи чекловчи ифода воситалари чекловли инкорнинг ўзини бевосита фарқлаш, уни тўлиқ инкордан ажратиб туришга хизмат қилади.

Адабиётлар:

1. Арутюнова Н.Д. О номинативном аспекте предложения // Вопр. язык. – М., 1971. - № 1. – С. 166-200.
2. Булыгина Т.В. Грамматические оппозиции // Сб. Исследования по общей теории грамматики. - М.: Наука 1968, - С. 175-232.
3. Габучан К.В. Отрицательные структурные схемы простого предложения в русском литературном языке: Автореф. дис. … канд. филол. наук. - М., 1971. - 17 с.
4. Махмудов Н., Нурмонов А. Ўзбек тилининг назарий грамматикаси. – Т.: Ўқитувчи, 1995. – 232 б.
5. Новыков Л.А. Логическая противоположность и лексическая антонимия // РЯШ. – М., 1966. -№ 3. - С. 3-4.
6. Соколов Г.П. Частицы **не**, **ни** и другие изучение в школе. - Л.: Наука, 1969. – 237 с.
7. Ўзбек тили грамматикаси./ Ғ.А.Абдураҳмонов таҳрири остида. 2 томлик. 1-том.– Т.: Фан, 1975. – 609 б.

Андижон давлат университети,
2015 йил 25 декабрда қабул қилинган
(Тақризчи: проф. С.Раҳимов)